

3.9. Узил-кесил хисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда “Таъминотчи” “Истеъмомлчи”га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган “Истеъмомлчи”лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, “Таъминотчи” электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали хисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

#### **IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади 5-иловага мувофиқ.

«Таъминотчи» буюртманомаларни рўйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. «Истеъмомлчи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш миқдори ва санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Таъминотчи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом бўлишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

#### **V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ**

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йўл қўйилади.

5.2. «Истеъмомлчи» билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дарҳол хабар берган ҳолда электр энергияси беришни вақтинча узиб қўйиш, тухтатиш ёки чеклашга «Таъминотчи» тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни қўриш зарур бўлган ҳолларда йўл қўйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда; шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизини олдиндан туламаганда;

хисоб-китоб оғи тамом бўлгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмом қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд бўлганда;

«Истеъмомлчи» электр энергияси тармоғига ўзбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада қилишилган миқдордан оширилганда;

«Ўзстандарт» агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмом қилинадиган энергияни хисобга олиш приборларига эга бўлмаганда;

«Таъминотчи»нинг вақили соат 8.00 дан 20.00 гача бўлган давр мобайнида хисоблаш приборларини қўришга асоссиз қўйилмаганда, «Таъминотчи» электр энергияси беришни тухтатиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

5.4. «Истеъмомлчи»да хисобга олиш прибори бўлмаганда;

хисобга олиш прибори «Истеъмомлчи»нинг айби билан шикастланганда;

хисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси ўзгарганда ёки хисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда;

фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда «Истеъмомлчи» 1 кун олдин огохлантирилиб электр энергияси тармоғидан узиб қўйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қўйиш техноген ва авария оқибатларига олиб қилиши мумкин бўлган, алоҳида ҳавф ва ўзлуксиз технология жараёнга эга бўлган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлиқ учун хисоб-китоб қилиш механизмининг тўдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида» ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги рўйхатга қиритилган) истеъмомчиларнинг гулов муддати ўтган қарзлари вужудга қелган тақдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишининг чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қўйиш эса факат суд қарорига қўра амалга оширилиши мумкин. «Таъминотчи» ва «Истеъмомлчи» томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг ўзвий қисми ҳисобланади. (7-иловага мувофиқ)

#### **VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛҚИЙ ЖАВОБҚАРЛИГИ**

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қўп миқдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда «Таъминотчи» «Истеъмомлчи»га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня туланиши «Таъминотчи»ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.